

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Фарғона вилояти телерадиоканали”
давлат муассасаси директори
И. Ҳалимбеков
17-октябрь, 2025-йил

“Фарғона вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси масъул раҳбар
ҳодимлари иштирокидаги ҳафталик ҳисобот-режалаштириш йиғилиши
Баёни

Фарғона шаҳри

№ 36

16-октябрь, 2025-йил

Раислик қилувчи:

И. Ҳалимбеков - давлат муассасаси директори

Иштирок этганлар:

- директор ўринбосари, бош муҳаррирлар, бош муҳаррир ўринбосари, катта муҳаррирлар, муҳаррирлар ҳамда барча ижодий-техник ходимлар.

(И.Ҳалимбеков, Э.Султонов, М.Ақбаров, Ш.Саиджонова А.Суфиев, Ж.Шералиев, Г.Нишонов, С.АбдурахмоноваИ.Ҳалимбеков)

Йиғилишни “Фарғона вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси директори И. Ҳалимбеков олиб борди. Унда ҳафталик режалар бўйича ишлар тақсимоти амалга оширилди. Олдинда муҳим тадбирлар борлиги, уларни телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар орқали юқори савияда ёритиш муҳимлиги қайд этилди. Жумладан 19-21 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида III Халқаро ҳунармандчилик фестивали, Риштонда II Халқаро кулолчилик форуми ўтказилади. Унда хориждан 300 нафардан зиёд, юртимиздан 700 нафарга яқин ҳунармандларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Фестивал ва форумга муҳбир ва муҳаррирлар билан биргаликда АВИБЕСТ қурилмалари, КТС (кўчма телевизион станцияси), етарли миқдорда монтаж столлари ажратилиши зарур. Тўғридан тўғри жонли уланишлар, репортажлар ташкил қилинади. Тантанали очилиш ва ёпилиш жараёнлари тўлиқ тўғридан тўғри эфирга узатилади. Жараёнларни ёритишда иштирок этадиган ижодий ва техник ходимларнинг рўйхати шакллантирилиши юзасидан топшириқ берилди.

1-октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Умумхалқ байрами олдидан устозларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатлари, мамлакатимизда таълимга берилаётган эътибор, ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматлари қадр топаётганлиги, ойлик маошлари кўпайтирилганлиги, уларнинг пешқадамлари 1000, 1500, ҳатто 2000 долларгача маош олаётганлиги ҳақида кўрсатув ва эшиттиришлар, лавҳа, теле ва радиоочерклар тайёрлаш ҳамда эфирга бериб бориш лозим. Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан заставка ва роликлар янгиланиши кераклиги таъкидланди.

Телерадиоканал реклама тушумлари бўйича яхши натижаларга эришганлиги, жамоа бундан буён ушбу ютукни мустахкамлаши кераклиги айтилди.

Кўрсатув ва эшитиришларни олдиндан тайёрлашга эътибор қаратиш, бундан буён ҳар битта кўрсатувни анонссиз эфирга узатмаслик вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон миллий телерадиокаманияси бўйича гонорар тўловларини амалга оширишда рақамлаштириш тизими жорий қилинади. ZOOM орқали ўтказилган семинарда бу бўйича аниқ тушунчалар, йўл-йўриқлар берилди. Ана шундан келиб чиқиб, янги тизимда бенуксон ишлаш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш лозим.

Амалга оширилиши зарур бўлган ишлар, муҳим тадбирларни тўлақонли ёритиш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар юклатилиб, муҳокама қилинган масалалар юзасидан берилган ахборот ва маълумотлар асосида **қарор қабул қилинди:**

1. “Фарғона вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси раҳбарларига Ўзбекистон миллий телерадиокаманияси бўйича гонорар тўловларини амалга оширишда рақамлаштириш тизими жорий қилиниши муносабати билан ZOOM орқали ўтказилган семинарда берилган топшириқлар ҳамда тавсиялар **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

2. Директор ўринбосари (З. Султонов), бош муҳаррир (М. Акбаров), бош муҳаррир ўринбосари (А. Сўфиев), олий тоифали режиссёр (К. Турдиалиев), бош муҳандис (Ш. Ҳакимов), инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича мутахассис (Д. Мадалиева)га:

2.1. 19-21 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган III Халқаро хунармандчилик фестивали, II Халқаро кулолчилик форуми телекўрсатувлар ва радиоэшитиришлар орқали кенг ёритилсин. Тўғридан тўғри жонли уланишлар, репортажлар ташкил қилинсин. Тадбирларнинг тантанали очилиши ва ёпилиши жараёнлари тўлиқ тўғридан тўғри эфирга узатилиши таъминлансин. Жараёнларни ёритишда иштирок этадиган ижодий ва техник ходимлар рўйхати шакллантирилсин.

2.2. 1-октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни - Умумхалқ байрами олдида устозларнинг машаққатли ва шарафли меҳнатлари, мамлакатимизда таълимга берилаётган эътибор, ўқитувчи ва мураббийларнинг хизматлари кадр топаётганлиги, ойлик маошлари кўпайтирилганлиги, уларнинг пешқадамлари 1000, 1500, ҳатто 2000 долларгача маош олаётганлиги ҳақида кўрсатув ва эшитиришлар, лавҳа, теле ва радиоочерклар тайёрланиши ҳамда эфирга бериб борилиши, сана муносабати билан заставка ва роликлар янгиланиши таъминлансин.

2.3. Шаҳар ва туманларда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, ислохотлар ва уларнинг самаралари, эришилган ютуқлар ҳақидаги “Фаровонлик сари” кўрсатувлари медиа режа асосида ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши ҳамда эфирга узатилиши давом эттирилсин.

2.4. Кўрсатув ва эшителишларни олдиндан тайёрлашга эътибор кучайтирилсин. Ҳар битта кўрсатувни анонссиз эфирга узатмаслик тартиби жорий қилинсин.

3. Директор ўринбосари (З. Султонов), бош муҳаррир (М. Акбаров), бош муҳаррир ўринбосари (А. Сўфиев) ва медиафонд мутахассиси (Ш.Халилов)га Марғилон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” массиви, Бурҳониддин Марғиновий илмий-маърифий туризм мажмуи ва ренавация дастури асосида уй-жой қурилиши, Қува туманидаги “Каркидон” сув омбори атрофидаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шитоб билан олиб борилаётганлиги назарда тутилиб **хар 3 (уч) кунда** тасвирга олиш ишларини ташкил қилиш давом эттирилсин. Барча тасвирлар тўлиқ оригинал ҳолатда телерадиоканал медиафондига сақлаш учун топширилсин.

4. Директор ўринбосари (З. Султонов), бош муҳаррирлар (М. Акбаров, Ш. Саиджонова), бош муҳаррир ўринбосари (Ф. Миршарипов), бош ҳисобчи (Ж. Шералиев)га:

4.1. Ўзбекистон МТРК тизимида ижодий маҳсулотларга қалам ҳақи тўлаш билан боғлиқ барча ҳужжатлаштириш жараёнлари тўлиқ рақамлаштиришга ўтиши муносабати билан унга тайёргарлик ишлари жадаллаштирилсин.

4.2. Ижодий-техник ходимлар томонидан тайёрланган телерадиомаҳсулотларнинг бир қисми ўрнатилган тартибда ва белгиланган ҳажмда “отработка” учун қабул қилинсин.

5. Директор ўринбосари (З. Султонов), инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича мутахассис (Д. Мадалиева)га:

барча ходимлар коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирилсин. Коррупцияга йўл қўйган ходимлар аниқланган тақдирда уларга нисбатан меҳнат шартномасини бир томонлама бекор қилишгача бўлган чоралар қўлланилиши яна бир бор эслатилсин.

6. Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича мутахассис (Д. Мадалиева), бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси (Т. Шукуров)га:

ижодий ва техник ходимлар иштирокида стол тенниси, футбол, шахмат-шашка ва бошқа турдаги мусобақаларни йўлга қўйиш юклатилсин.

7. Ушбу баёндаги ҳар бир вазифанинг сифатли ва тегишли муддатларда бажарилишига кўрсатилган масъуллар жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

Баёни тузувчи:

М.Муסיнова